

Туробов Шерзод Алишерович,

Қарши мұхандислик иқтисодиёт институти,
"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси
катаа үқитувчиси

Фахриддинов Баҳриддин Фахриддин ўғли,

Қарши мұхандислик иқтисодиёт институти
Иқтисодиёт факультети 3-босқич талабаси

УЙ ХҮЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ СИФАТИДА

уўқ: 631.115.11:338.43

ТУРОБОВ Ш.А., ФАХРИДДИНОВ Б.Ф.-Ў. УЙ ХҮЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ СИФАТИДА

Мақолада қишлоқ уй хўжаликлари фаоллигини ошириш орқали тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг асосий йўналишлари ва уй хўжаликлари даромад даражасининг ошишида тадбиркорликнинг аҳамияти очиб берилган. Уй хўжаликлари тадбиркорлигини оширишда давлат сиёсати, кредитлаш ва имтиёзлар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантиришда Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Марказий банк ва тижорат банклари томонидан уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантириш йўналишлари бўйича тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: уй хўжалиги, тадбиркорлик, томорқа, қишлоқ хўжалиги, фуқаролар йиғини, даромад, шахсий томорқа, бандлик, кредитлаш, субсидия, оиласий тадбиркорлик.

ТУРОБОВ Ш.А., ФАХРИДДИНОВ Б.Ф.-У. РАЗВИТИЕ ДОМАШНЕГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА КАК ГАРАНТИЯ СТРАТЕГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА.

В статье раскрывается сущность предпринимательства, её роль в повышении прибыли домашних хозяйств и ключевых направлений предпринимательской деятельности, а также обсуждается развитие предпринимательства за счет повышения активизации деятельности домашних хозяйств. Были приведены примеры обсуждения льгот и кредитов, государственной политики и увеличении предпринимательской деятельности домашних хозяйств. Кроме этого, также проделан анализ мероприятий, принятых в Кашкадарьинской области по развитию домашнего предпринимательства. Подробно рассмотрен уровень предоставления домашним хозяйствам льготных кредитов предусмотренных Центральным банком и коммерческими банками. Даны рекомендации по направлениям развития предпринимательства домашних хозяйств в деревнях.

Ключевые слова: предпринимательство домашних хозяйств, сельское хозяйство, сход граждан, прибыль, занятость, кредитование, субсидии, семейное предпринимательство.

TUROBOV SH.A., FAKHRIDDINOV B.F-U. DEVELOPMENT OF HOME-ENTREPRENEURSHIP AS GUARANTEE OF AGRICULTURE STRATEGY.

The article reveals the essence of entrepreneurship, role in the growing of household profit and key areas of entrepreneurial activity, and opportunities of entrepreneurship development by increasing the activity of householders. There were given examples on incentives and extended loans, government policies to increasing household entrepreneurship. In addition, an analysis of the measures taken in the Kashkadarya region for the home entrepreneurship development were implemented. The level of concessional loans to households provided by the Central Bank through commercial banks is considered in detail. Recommendations to development of entrepreneurship of households in villages are given.

Key words: household entrepreneurship, agriculture, gathering of citizens, profit, employment, lending, subsidies, family entrepreneurship.

Кириш.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси билан узвий боғлиқдир. Жойларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар тадбиркорликни қишлоқ хўжалиги ривожланишини тезлаштириш мумкин бўлган стратегик ривожланиш фаолияти деб билишади.

Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги.

Уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантириш ёшлар, иш билан банд бўлмаганлар, ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан таъминлашнинг халқаро даражада синалган йўлидир. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат уй хўжаликлари фаолигини ошириш орқали, уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларидан манфаатдордир. Айниқса, қишлоқ хўжалигига уй хўжаликлари тадбиркорлик даражасининг ошиши нафақат давлат олдида турган ижтимоий муаммоларни бартараф этишда, балки иқтисодий муаммоларнинг ҳал бўлишида катта аҳамият касб этади. Масалан, мамлакатда мавжуд камбағаллар сони кескин камайишига эришилади, аҳоли кафолатланган даромадга эга бўлади, жойларда инфратузилмалар шакллананиши натижасида янги иш ўринлари яратилади, бозорлар тўйинишига эришилади, уй хўжаликлари бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳаракатни амалга ошира бошлайди, экспортбоп товар ва хизматлар ишлаб чиқарилишига эришилади ҳамда бўш турган пул маблағларидан унумли сарфланишига эришилади. Юқорида келтирилган сабаблар танланган мавзунинг долзарбилигини асослайди.

Тадқиқот мақсади.

Ўзбекистон Республикасида уй хўжаликлари фаолигини ошириш ва уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини ўрганиш, қишлоқларда уй хўжаликлари тадбиркорлигини ривожлантириш учун берилаётган имтиёзлардан фойдаланиш даражасини таҳлил этиш ва таҳлиллар натижасида уй хўжаликлари тадбиркорлик фаолигини кенгайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш.


Илмий моҳияти.

Мамлакатимизда уй хўжаликлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг даромад даражасини кўпайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилишига қарамай, жойларда, айниқса қишлоқ ҳудудлари уй хўжаликларига берилган имтиёз ва кредитларни бирламчи эҳтиёжларни қондириш учун сарфлаш ҳолатлари кузатилаётганлиги, анъанавий хўжалик юритиш шаклларидан фойдаланиш ҳолатларининг кўплиги ҳамда нав ва наслдан фойдаланиш бўйича билим, кўнукма ҳамда малакаларнинг етишмаслиги ва инновацион тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятларининг чекланганлиги каби муаммоларни атрофлича ўрганиб, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш орқали уй хўжаликлари тадбиркорлиги ривожланишини таъминлашда муҳим илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқот методлари.

Мақолада мавзу доирасидан келиб чиқсан мавзуга оид илмий ва назарий ёндашувлар ўрганилиб мушоҳада қилинган. Тадқиқотда белгиланган мақсаддага эришиш учун йўналиш танлаб олинган. Эмпирик тадқиқотнинг кузатиш, жамлаш, гуруҳлаш ва маълумотлар манбалари иқтисод ва молия / экономика и финансы 2021, 4(140)

1-диаграмма. Ўзбекистон Республикасида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун ажратилган кредит маблағлари (трлн. сўм)¹.



ўртасидаги алоқаларни аниқлаш усулларидан ва назарий тадқиқотнинг анализ ва синтез усулларидан кенг фойдаланилди.

Асосий натижалар.

Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро стандартларида уй хўжалиги алоҳида сектор сифатида ажратилади. МХТ-2008га кўра уй хўжалиги дейилганда битта турар-жой биносида яшайдиган, ўзларига тегишли барча даромадлар ва молмulkни тўлиқ ёки унинг бир қисмини бирлаштириб, жамоавий тарзда муайян товар ва хизмат турларини, асосан уй-жой хизматлари ва озиқовқатларни биргалиқда истеъмол қиласидиган одамлар гуруҳи тушунилади².

2020 йилда аҳолини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, малакасини ошириш, қайта ўқитиш ва тадбиркорликка жалб этишда 1096,4 минг аҳолига жами 717,3 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган. Хусусан, 70,0 минг нафар фуқарога жами 173,2 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилган, шундан:

¹ Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги. "2020 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг тенденциялари ва 2021 йилга мўлжалланган прогнозлар шарҳи". Тошкент. 2021 йил.

² System of National Accounts 2008. - European Commission, International Monetary Fund, Organization for Economic Cooperation and Development, United Nations and World Bank. New York, 2012, p. 92.

- 35,5 минг аҳолининг шахсий томорқасини ривожлантириш учун 109,5 млрд. сўмлик;
- 11,5 минг ишсиз аҳолини рағбатлантириш учун 13,0 млрд. сўмлик;
- қишлоқ хўжалиги кооперативлар доирасида 23,0 минг фуқарога 50,7 млрд. сўмлик субсидиялар ажратилган³.

Республикамизда аҳолининг кенг қатлами даромад даражасини ошириш ва ўз-ўзини банд қилиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сон, 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сон ва 2018 йил 27 июндаги "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5466-сон фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

³ Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги. "2020 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг тенденциялари ва 2021 йилга мўлжалланган прогнозлар шарҳи". Тошкент. 2021 йил.

**1-жадвал Қашқадарё вилоятида фуқаролар йиғини ва уй хўжаликлари сони бўйича маълумот¹
(2021 йил 1 январь ҳолатига)**

Т/р	Худуд номи	Жами фуқаролар йиғини сони	Уй хўжаликлари сони
Жами		771	662 055
1	Қарши шаҳри	62	56706
2	Шаҳрисабз шаҳри	40	26297
3	Ғузор тумани	43	38476
4	Дехқонобод тумани	46	28779
5	Касби тумани	41	45570
6	Китоб тумани	59	50267
7	Косон тумани	68	59365
8	Қамаши тумани	60	54300
9	Қарши тумани	53	52142
10	Миришкор тумани	35	21948
11	Муборак тумани	25	17311
12	Нишон тумани	36	29247
13	Чироқчи тумани	86	84551
14	Шаҳрисабз тумани	57	46356
15	Яккабоғ тумани	60	50740

тўғрисида"ги ПҚ-3680-сон, 2018 йил 7 июнданги "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги ПҚ-3777-сон, 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3856-сон, 2019 йил 7 марта "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оиласий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4231-сон ва 2021 йил 27 марта "Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5041 қарорлари қабул қилинди.

Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган дастурлар доирасида сўнги 3 йил давомида 600 мингдан зиёд аҳоли тадбиркорлик субъектларига 15 трilliон сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган².

¹ Қашқадарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 марта "Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5041 қарори.

Қашқадарё вилоятида 2021 йил 1 январь ҳолатига 771 та фуқаролар йиғини рўйхатга олинган бўлиб, уларда жами 662055 та уй хўжаликлари мавжуд, шундан, вилоят бўйича ўртача бир фуқаро йиғинига 859 та уй хўжаликлари тўғри келмоқда. Қашқадарё вилоятида ўртача бир маҳаллага энг кам тўғри келадиган уй хўжаликлари сони Муборак туманида 692 та, Миришкор туманида 627 та ва Дехқонобод туманида 626 та уй хўжалиги тўғри келмоқда. Ушбу маълумотлардан шуни холоса қилиш мумкинки, худуд инфратузилмасининг такомиллашганлиги, жойлашуви, даромад топиш имкониятларининг кўплиги жойларда уй хўжаликлари сонини белгилаб берувчи омиллар ҳисобланади.

Уй хўжаликлари иқтисодиётнинг истеъмол соҳасида фаолият кўрсатувчи асосий таркибий бирлиkdir. Уй хўжаликлари доирасида моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилган товар ва хизматлар истеъмол қилинади. Бозор иқтисодиётида уй хўжаликлари мулк эгаси ҳамда ишлаб чиқариш омиларини етказиб берувчилар ҳисобланади³.

2020 йилда Республика қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги таркибида Қашқадарё вилоятининг улуши 9,4 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш

³ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: "Иқтисод-молия". 2010 йил. 726 бет.

ҳажмида дәхқончилик маҳсулотларининг улуши 39,5 %ни ва чорвачилик маҳсулотлари эса 60,5 %ни ташкил қилди¹. Вилоят миқёсида олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, қишлоқ уй хўжаликлари даромадларининг манбалари фарқланиши аниқланди. Қишлоқ уй хўжаликларининг асосий даромадлари манбаи бўлиб бу –уй хўжалиги аъзолари томонидан турли хил ишлардан олинган иш ҳақи, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар, нафақа, болалар туғилиш ва ўқиши учун имтиёзлар. Одатда, аксарият ҳолларда уй хўжаликлари аъзоларининг иш ҳақи қиймати (асосий ва қўшимча иш жойларида) оиласвий фаровонликни белгилашда муҳим роль ўйнайди, бунда даромад иқтисодий фаолият турига ва эгаллаб турилган лавозимга сезиларли даражада боғлиқ бўлади. Уй хўжаликлари даромадида қариндошларнинг бефараз ёрдами, мол-мулқдан олинган даромад, шахсий мол-мулкни сотишдан олинган даромад, фоизлар, дивидендлар ва бошқа манбалар кўпчилик уй хўжаликларида мавжуд эмас ёки сезиларли ҳажмда эмас.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан аҳолининг даромадлари ва ҳаражатлари таркиби, уларнинг истеъмол ва жамғариш кайфияти ҳамда кредитга бўлган талаби, шунингдек, инфляциянинг аҳолининг турли даромадга эга қатламларига таъсирларини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, келгуси 12 ой учун истеъмол кайфияти индекси ишлаб чиқилди ва унга асосан ҳаражатлар субиндекси 45,7, кредит субиндекси 28,7, даромад субиндекси 26,5 ва жамғарма субиндекси -3,5 бирликни ташкил этиши аниқланди. 5717 та респондентларнинг келгуси 12 ойда жамғармалари ўсиши бўйича кутилмалари манфий даражада шаклланиб, умумий индексни пасайтирувчи омил бўлди².

Марказий банк томонидан тақдим этилган маълумотларга таяниб хulosа қиладиган бўлсак, Республикасимиз аҳолисининг кўпчилик қисмида жамғармаларнинг камайиши кузатилганини, бу камайиш келгуси давларга ҳам ўз

салбий таъсирини ўтказиши мумкинлиги ва улар жамғармалари жорий даромад олиш манбаларида узилиш бўлганда ёки меҳнат фаолиятини тўхтатган тақдирда ўртacha бир ойга етади деган жавобни беришган.

Кўплаб мамлакатларда йирик маҳаллий компаниилар ўз бизнесини уй хўжаликлини тадбиркорлигидан бошлишган, "Ford" ва "Davydoff" компаниялари бунга мисол бўла олади. Тадбиркорлик фаолияти кенгайиб кетганда, кўплаб уй хўжаликлари тадбиркорликлари ўз мақомини йўқотади, лекин бизнесни бошлишда албатта ишончли ва яқин одамлар билан бошлиш мақбул иш ҳисобланади³.

Хulosа ва таклифлар.

Ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида қўйидаги хulosа ва таклифлар шакллантирилди:

- аҳоли жамғармаларининг камайиб кетишида уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш лаёқатининг камлиги, даромад олиш имкониятларининг чегараланганлиги, берилган имкониятлардан кенг фойдалана олишмаслиги ва бу борадаги механизмларнинг тўлақонли ишламаётганини асосий сабаб қилиб кўрсатишимиш мумкин. Биргина уй хўжаликларининг ўз томорқаларидан унумли фойдаланиши натижасида жамғариш кўрсаткичи мусбат натижага касб эта олади. Бунинг учун жойларда "томорқадан унумли фойдаланиш маданияти"ни шакллантириш лозим;

- иқтисодиётда уй хўжаликлари хатти-ҳаракатларининг самарали бўлишининг асосий шарти бу, аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган давлат сиёсатини (худуд аҳолисининг моддий фаровонлиги ва турмуш даражаси сифатини ошириш, янги ва қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, ижтимоий трансферлар учун тўловларни ошириш ва бошқалар) юритиш лозим. Бунда ижтимоий самарадан ташқари, инсон капиталига киритилган инвестициялар иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширибгина қолмай, балки, ЯИМнинг ўсишига бевосита таъсир кўрсатади.

¹ <https://www.qashstat.uz/images/press-reliz/selxoz/2020/uz/yanvar-dekabr.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Аҳолининг истеъмол кайфияти шарҳи. Тошкент, 2021 йил.

³ Тюгашев Е.А. Экономика семьи и домашнего хозяйства. Учебное пособие. СибУПК. Новосибирск. 2002 год.

Фойдаланилган адабиёт рўйхаси:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2013 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-350-сонли Қонуни. (<https://www.lex.uz/acts/86256>)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартағи “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz ” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли фармони.
10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги. “2020 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг тенденциялари ва 2021 йилга мўлжалланган прогнозлар шарҳи”. Тошкент. 2021 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Аҳолининг истеъмол кайфияти шарҳи. Тошкент, 2021 йил.
12. Қашқадарё вилояти Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бошқармаси маълумотлари. Қарши. 2021 йил.
13. Тюгашев Е.А. Экономика семьи и домашнего хозяйства. Учебное пособие. СиБУПК. Новосибирск. 2002 год.
14. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”. 2010 йил. 726 бет.
15. System of National Accounts 2008. - European Commission, International Monetary Fund, Organization for Economic Cooperation and Development, United Nations and World Bank. New York, 2012, p. 92.
16. Raximjon Rashidov, Sherzod Turobov, Muxayyo Dustova, Gulsara Azamatova. (2020). The Crisis Conditions And The Ways Of Solving Them. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(7), 2104 - 2011. Retrieved from <http://sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/17475>
17. [tps://www.qashstat.uz/images/press-reliz/selxoz/2020/uz/yanvar-dekabr.pdf](https://www.qashstat.uz/images/press-reliz/selxoz/2020/uz/yanvar-dekabr.pdf)